

Жўраев Т.Т. – ТМИ,
иқт. ф. д., профессор
Маматов А.А. - Ўз.Р. М.Г.Харбий
техник институти
иқт. ф. д., профессор

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНФРАТУЗИЛМА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада қишлоқ инфратузилмасининг моҳияти ва уни ривожланишининг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калим сўзлар: инфратузилма, фермер хўжалиги, хўжалик механизми, хизмат кўрсатиш, самарадорлик, рақобатбардошлиқ, пахта-тўқимачилик кластери.

В статье раскрыто сущность производственной инфраструктуры сельского хозяйства и основные этапы его развития.

Ключевые слова: инфраструктура, фермерское хозяйство, сельскохозяйственная техника, сервис, производительность, конкурентоспособность, хлопко-текстильный кластер.

The article reveals the essence of the agricultural production infrastructure and the main stages of its development.

Keywords: infrastructure, farm, agricultural machinery, service, productivity, competitiveness, cotton-textile cluster.

Инфратузилма атамасининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривож топиши “Иқтисодиёт назарияси” фанининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Дастреб инфратузилма тушунчасига алоҳида иқтисодий категория сифатида қаралмаган ва унинг таҳлилига ёндашув вужудга келган. А.Смит ўзининг “Халқлар бойлиги” асарида давлатнинг вазифалари ҳақида сўз юритганда, “...фақатгина айрим шахс ёки кичик гурӯҳларга фойдали бўлиши мумкин бўлмаган, маълум бир ижтимоий иморат ва муассасаларини ташкил этиш ва таъминлаб туришни”[1] киритган. Жамоа ишлари дейилганда А.Смит йўл, кўприкларни қўриш, ёшларнинг таълим тизимини, суд тизимини ва шу кабиларни назарда тутган. Классик сиёсий иқтисод тарафдорлари айрим индивидлар учун маълум бир ишлаб чиқариш обьектларининг фаолият юритишининг ўзи норентабел деб ҳисоблашган, аммо уларнинг бутун ҳолда жамланиши катта аҳамиятга эга деб таъкидлашган. Инфратузилма обьектлари

мутелик характерига эга бўлган ва тўлиқ асосий ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжлари ва ўсишига хизмат қилган.

Инфратузилманинг иқтисодий тизимида алоҳида мустақил элемент сифатида таҳлил қилинишига сабаб, бир томондан жамиятда меҳнат тақсимоти жараёнларнинг чуқурлашуви, иккинчи томондан фақатгина бозор механизми орқали инфратузилмани тўлиқ ривожлантириш имконияти йўқлигидир. Чунки, хусусий капитал ҳисобига мамлакат учун зарур бўлган йўл, кўприк, канал, дамбаларни қуриш имкони йўқлиги, давлатнинг инфратузилма соҳаларини ривожлантиришга фаол аралашувига олиб келган. Натижада инфратузилма соҳаси мустақил бир тармоқ сифатида шаклланган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари нафакат бевосита хўжаликнинг ўз имкониятларига боғлиқ бўлади, балки унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбекистон иқтисодиётида бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ижтимоий иқтисодий ишлаб чиқариш учун меъёридаги шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва соҳалар мажмуисидир. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган сотиш орқали агросаноат мажмуаси(АСМ) нинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми хисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМ нинг пировард махсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишига йўналтирилади.

Инфратузилма бўлинмаларининг ривожланиб боришидан фермер хўжаликлари катта манфаат кўради, негаки бу хўжалик аъзоларини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг куч-харакатини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин ва ҳар бир босқичда улар учун қуидаги хусусиятлар хос:

I – босқич 1995 – 2001 йилларни қамраб олган бўлиб, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиш даври ҳисобланади. Ушбу йилларда инфратузилма хизматларига эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши билан характерланади. Бу босқичда паст рентабелли заарар билан ишлайдиган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари вужудга келди ва фермер хўжаликлари таъсисчилари ҳисобланган муқобил МТП, СФУ¹лар ташкил этила бошлади.

¹ МТП – машина трактор парклари, СФУ-сувдан фойдаланувчилар уюшмаси

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу даврда инфратузилма обьектларини шаклантириш учун етарли даражада ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар етарли бўлмаган, ҳамда уларни ривожлантириш механизмлари тўлиқ шаклланмаган.

II – босқич (2002 – 2006 йиллар) – қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма обьектлари давлат дастурлари асосида шакллантирилган. Истиқболли хўжалик юритиш шакл ҳисобланган фермер хўжаликларининг ривожи бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма обьектлари ривожланиш ҳолатига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишларнинг бири сифатида қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш белгиланган.

III–босқич 2006–2016 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурлар асосида амалга оширилиб хизмат турларини кенгайтириш, сифат даражасини яхшилаш ва истиқболли фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашадиган хизмат турларини жадал ривожлантиришга эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255 – сонли ва 2006 йил 514 сонли қарорлари асосида мамлакатимизда фермерчилик ҳаракатини жадал ривожлантириш учун шарт – шароитларни таъминлаш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳар томонлама эътибор берилди.

Ташкил этилган ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришига хизмат қилиш вазифасидан босқичма-босқич озод этишдан иборат. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари сифатан юқори бўлиши учун шарт-шароитлар яратишига йўналтирилган. Мустақил равишда пировард маҳсулотни ишлаб чиқармайдиган тармоқ ва хизматлар маълум даражада бутун ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этади. Инфратузилма АСМ учун кадрлар тайёрлаш, уни ишчи кучи билан таъминлашга ёрдам беради. Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш вазифалари ҳам ўзгаради [2].

IV-босқич 2017 йилдан бошланади. Бу давр Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурини қабул қилиниши билан бошланади. Ҳаракатлар стратегияси дастури фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш инфратузилма тизимини ривожланишини янги юқори даражага олиб чиқди. Дастурга кўра қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартеришларни чукурлаштириш орқали ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бунинг учун яқин истиқболда “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларини кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш”[5] тақазо қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.:Наука, 1992. Т.1. С. 13
2. Салимов Б.Т.. Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иктиносидиёти (ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ. 2004 –Б. 21-22.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
4. Раҳматов М.А.,Зарипов Б.З. Кластер-интеграция, инновация ва иктиносидий ўсиш. Рисола Т.”Замин Нашр” нашлиёти 2018 й.-Б.38.
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.